

ISSN 2091-5594

UZLUKSIZ TA'LIM



ILMIY-USLUBIY JURNAL

№ 2



Тошкент — 2018

ТАЪЛИМ МАЗМУНИ УЗЛУКСИЗЛИГИ

- 3 **Г.М.Ахмедова**
Узлуксиз таълим тизими учун яратилган «O'zbek tili» дарсликларидаги диалогик нутқни ўстириш машқ-
лари ҳақида
- 9 **Д.С.Сафарова**
Узлуксиз таълим тизимида ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишнинг психологик омиллари
- 14 **М.У.Махкамова**
Ўқитувчиларда инновацион фаолиятни ривожлантириш
- 19 **Х.Т.Омонов**
Узлуксиз кимё таълимида дидактик ўйинли технологиялардан фойдаланиш
- 23 **А.Б.Таджибаев**
Фанлараро узвийликни таъминлаш орқали график таълим сифати ва самарадорлигини ошириш
- 28 **Х.Ризиев**
Узлуксиз таълим тизимида натюрморт тузиш ва тасвирлаш методикаси
- 33 **Sh. O. Toshpulatova**
Fizika darslarida o'quv maqsadlarining uzluksizligini ta'minlash
- 38 **Р.Х. Джуреев, А.Х. Махмудов, В.В. Абдуазизова, В.С. Фетеев**
Метод оценки уровня взаимодействия креативных качеств личности при решении творческих задач
- 44 **Ф.Н.Халилов, Н.Хасанова**
Проблемы связанные с процессом музыкально-ритмического обучения детей школьного и дошколь-
ного возраста
- 49 **Р.Х.Джуреев, И.Г.Галущенко**
Основные направления совершенствования высшего образования в современных условиях
- 54 **Н.Маматкулова**
Ўқувчи ва талабаларда мустақил таълим кўникмаларини ривожлантириш хусусида
- 60 **С.А.Хайдаров**
Узлуксиз таълим тизимида тарихни ўқитиш самарадорлигини оширишда тасвирий санъат асарлар-
дан фойдаланиш
- 66 **У.А.Ўтанова**
Узлуксиз таълим тизимида ўқувчи-ёшлар орасида экологик маданиятни шакллантириш

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МЕДИАТАЪЛИМ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

- 71 **Н.А.Муқимов**
Узлуксиз таълим жараёнида педагогик инновациялардан фойдаланиш
- 76 **Г.С.Эрмашева**
Ўқувчи-ёшларда мультимедиа воситалари билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш методикаси

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

- 81 **С.А.Махмудова**
Таълим жараёнида ўқувчиларни ўзбек миллий мусиқа маданиятига қизиқтириш
- 88 **Ў.Асқарова**
Ўқувчи-ёшларни ахлоқий қоидалар асосида ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш

КАСБГА ЙУНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

- 94 **Ф.Этипазарова**
Педагогик креативлик - психологик муаммо сифатида
- 98 **Ў.Р.Алимухамедова**
Ўқув машғулотларини ташкил этишда замонавий таълим усулларида фойдаланиш
- 103 **Р.А.Абдухаширов, Ю.К.Журеев**
Ведущие факторы профессионального самовоспитания учителей трудового обучения

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ - ДАВР ТАЛАБИ

- 108 **Э.Турсунназарова**
Ўқувчи-ёшларга чет тилини ўқитишда самарали усуллардан фойдаланиш



УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ УЧУН ЯРАТИЛГАН «О'ЗБЕК ТИЛИ» ДАРСЛИКЛАРИДАГИ ДИАЛОГИК НУТҚНИ ЎСТИРИШ МАШҚЛАРИ ҲАҚИДА

Г.М.АҲМЕДОВА,

Тошкент Педиатрия Тиббиёт институти ўқитувчиси,
п.ф.н.,

Ушбу мақолада янги авлод «O'zbek tili» дарсликларидаги диалогик нутқни ўстириш машқлари, қўлиш-гапларнинг ўзбекча мулоқот маданиятини оширишдаги ўрни таҳлил қилинган, ўргатишдан мақсадни аниқлай олиш, муаллифларнинг дарслик саҳифаларида беришга оид методик тавсиялари келтирилади.

Таянч сўзлар: қўлиш-гаплар – нутқий этикетлар: «майли», «рахмат» каби, параметрлар – ўлчовлар, меъёрлар, муңдарижа – мазмун, башорат қилиш – олдиндан айтиш, реплика – луқма, жавоб бериш, эътироз билдириш ва бошқалар.

In the given article we have been analyzing exercise in development of dialogic communication in handbooks of new generation, the role of communicative stamps in development of Uzbek culture communication, defining the purpose of learning, illustrating the methodic recommendations of the author in classifying them in the pages of the handbooks.

Key words: communication ethnics: for instance “okay”, “thank you”, parameters- methods, norms, content- purpose, prediction- foreseeing the future, replica- answering, rendering the disagreement and etc.

В данной статье анализируются упражнения по развитию диалогической речи в учебниках нового поколения «O'zbek tili», роль речевых штампов в повышении узбекской культуры общения, определения целиполагания при изучении, приводятся методические рекомендации автора по поводу классификации их на страницах учебников.

Ключевые слова: речевые штампы-речевые этикетки, например, “ладно”, “спасибо”, параметры – меры, содержание – значение, прогнозирование – предсказать заранее, реплика – предложение, ответить, возражение и другие.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг, касб-ҳунар коллежлари рус гуруҳларининг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг монологик ва диалогик нутқини ўстириш асосий мақсадлар сирасига киради. Диалогик нутқ, бир томондан, гапириш, иккинчи томондан, нутқни тинглаб (ўқиб) тушуниш жараёнини ўз ичига олади. Ўзга тилни



ўрганувчи шу тилда сўзлаш (гапириш) учун грамматик қонун-қоидаларга мос равишда мустақил равишда гап туза билиши, шу тилда қабул қилинган муайян қолип-гаплар бойлигига эга бўлиши, маълум мулоқот одобиغا риоя қилиши лозим.

Машқлар нутқий ҳаракат усулини ёки тил амалини бажариш йўсини эгаллашга хизмат қилади. Масалан, методист олим Р.Йўлдошев ўқувчиларда келишик шаклидаги сўзни ўзбек тилидан рус тилига ва акс таржима қилишга доир билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш учун қуйидаги тил амалларини бажартириш зарурлигини илмий ва амалий асослаган [1]. Қўшимчаси ажратиб кўрсатилган сўз шакли > шу қўшимчали сўроқ сўз > ўзбекча сўроқ сўзнинг русча таржимаси > русча сўроққа жавоб берадиган таржима-сўз шакли (устозга > кимга? > кому? > наставнику). Бу усул нутқни тинглаб тушуниш, матнни ўқиб англашнинг асосий воситаси саналса, акс таржима ўзбек тилида тўғри ва эркин сўзлашнинг мустаҳкам пойдевори саналади. Ушбу методика манбаларига кўра, ёшларнинг ўзбекча диалогик нутқини ўстириш учун уларни ўзбек тилида ўзаро сўзлашиш имкониятларини вужудга келтирадиган машқлар тизими асосида амалга оширилади. Бу машқлар тизими «O'zbek tili» дарсликларида қай даражада ишлаб чиқилганлиги шу дарсликлар таҳлилидан маълум бўлади, чунки таълим самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқув қўлланмалари берадиган имкониятларга боғлиқ. Ўзбек тилидан 2000 йилдан кейин яратилган дарсликларда, асосан, ўқилган матн ва суҳбатдан фойдаланиб саволларга жавоб бериш, жавобларга қараб саволларни эслаш, суҳбат намуналарини ўзлаштириш каби машқлар тавсия қилинган бўлиб, ўқувчиларда мустақил равишда гап тузиш кўникма ва малакаларини шакллантириш иши шу машқлар зиммасига юкланган. Биз ўқиш ёки нутқни тинглаш билан кифояланиладиган машқларни рецептив машқ турларига киритдик. Масалан, sahna asari qahramonlar ishlatgan qolip-gaplarga e'tibor berish рецептив фаолиятни тақозо қилади. Бир қатор машқлар o'qilgan matn asosida bajariladigan bo'lsa, shu matnga tayanib javoblar o'rni bo'sh qoldirilgan matn savollariga javob topish yoki javoblarga qarab savollarni topish yoli bilan to'ldirish сўралган машқлар маълум даражада рецепцияга асосланади. Ушбу машқлар оғзаки машқ сифатида бажарилса, улар рецептив-қисман репродуктив ҳисобланади. Репродуктив машқ турлари диалогни қайта юзага келтириш характерида бўлади. «Суҳбат»



матни асосида ўзаро сўзлашиш ҳам репродуктив фаолият билан боғланиди. Маҳсулдор машқ турлари ўқувчиларнинг мустақил равишда гап тузиш, гапларида қолип-гаплар, шаблон сўз ва ибораларни ишлатишларини талаб этади. Бундай машқлар сирасига қуйидагилар киради: so'zning shaklini o'zgartirgan holda unga so'roq berib savol tuzish va o'zaro so'zlashish [10]; bir-biri bilan telefonda u yoki bu narsa haqida gaplashish [5; 11]; uzoq vaqt ko'rmagan odamni uchratganda, qanday so'rashish va nima deb hol-ahvol so'rashini aytish [5]; rasm asosida unda tasvirlangan narsa-buyumlar, kasb egalari haqida bahslashish [9]; narsa-buyumlar, kasb egaloriga, ularning faoliyatiga baho berish [9]; do'stiga ba'zi shartlarni qo'yib, suhbatlashish, bu suhbatni dialog tarzida yozish [10].

Кўринадики, маҳсулдор машқларнинг асосий қисми оз дарсликларда учрайди, янги авлод китобларида бундай машқ турлари санокли. Бу ҳолат диалогик нутқ ўстириш ишларини якуний босқичларга олиб чиқиш қийинчилигини юзага келтиради.

Машқлар тил материалининг айнан сақланиши, айрим ўзгартиришлар киритилиши, янгидан яратилиши нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади. Чунончи: ўзгаришсиз бажариладиган (механик) машқлар, ярим ижодий машқлар, ижодий машқлар.

Ўзгаришсиз бажариладиган (механик) машқлар репцептив ёки репродуктив бўлишдан қатъи назар тўлиқча боғланишли матн, диалоглар (суҳбатлар) асосида бажарилади, ундан четга чиқилмайди, гап тузилишлари айнан сақланади. Масалан, berilgan savollarning javobini topish; javoblarga qarab qanday savollar berilganligini topish; javoblarga qarab savollar tuzish va b.

Ярим ижодий машқларга саволлар ёки жавобларнинг гап қурилишига қисман тузатишлар киритиш, ижодий саволлар ёки ижодий жавобларга яқинлаштиришни кўзда тутати. Масалан, namuna asosida savol-javoblar tuzish (tuzib o'zaro so'zlashish); berilgan so'zning shaklini o'zgartirgan holda unga so'roq berib savol tuzish va o'zaro so'zlashish; namunadan foydalanib o'z dialogini tuzish; savollarning har biriga uchtdan so'z bilan javob berish; savollarga inkor ma'nosini bildiruvchi so'zlar bilan javob berish va b.

Ижодий машқлар ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги мулоқотга тўлиқ мустақиллик асосида киришишларини ифода этади. Бундай машқлар сирасига қуйидагилар киради: bir-biri bilan telefonda u yoki bu narsa



haqida gaplashish [5]; rasm asosida unda tasvirlangan narsa-buyumlar, kasb egalari haqida bahslashish [9]; narsa-buyumlar, kasb egalariga, ularning faoliyatiga baho berish [9]; do'stiga ba'zi shartlarni qo'yib va suhbatlashish, bu suhbatni dialog tarzida yozish [10]. Биринчи машқ туридан бошқалари амалдаги дарсликларда берилган бўлиб, афсуски, улар бир-икки мартагина учрайди, холос. Айтмоқчимизки, бу машқ турлари ёшларни ўзбек тилидаги мустақил мулоқот кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш учун хизмат қила олмайди.

Машқ турларининг тегишли нутқий кўникма ва малакаларни шакллантириш учун берадиган имкониятлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, манзара яна ҳам равшанлашади. Бу имкониятлар машқ турларининг такрорийлигида намоён бўлади. Чунончи: 1) бир-икки марта учрайдиган машқ турлари; 2) кўп учрайдиган машқ турлари.

Шунинг учун таҳлилининг кейинги турларида уларни чиқариб турамиз.

Бир дарслик доирасида берилган машқ турлари қуйидагилар: savollarga lavob topib, matnni to'ldirish [6]; sotuvchining (o'qituvchining) savollariga xaridor (o'quvchi) nimalar deganini topib, suhbat matnini to'ldirish [6]; suhbatni e'tiroz ma'nosidagi gaplar bilan to'ldirish; «Oziq-ovqat do'konida» mavzusida suhbatlashish [6]; berilgan so'zning shaklini o'zgartirgan holda unga so'roq berib savol tuzish va o'zaro so'zlashish [10]; javoblarga qarab savollar tuzish [4]; «Murojaat qilish», «Hol-ahvol so'rash», «Tanishish» va b. [5]; berilgan so'zlardan foydalanib matnni to'ldirish [6]; matn asosida savollarga javob berish [7]; «Tanishtirishga ruxsat bering» rolli o'yinda ishtirok eting. Sinfdoshlaringizni, do'stlaringizni, dugonalarigizni bir-biri bilan tanishtiring [11]; Kasblar haqida namunadagidek dialoglar tuzing va ular asosida suhbatlashing [11]; berilgan rasm asosida quyidagi suhbatni davom ettiring. Suhbat matnini daftaringizga ko'chiring [11]; ...taassurotlaringiz asosida (suhbatlashing va) namunadagidek dialoglar tuzing [11].

Икки дарслик доирасида берилган машқ турлари қуйидагилар: berilgan savollarning javobini topish [3; 4; 6]; javoblarga qarab qanday savollar berilganligini topish [3; 4; 6]; «Savollarga qanday javoblar bo'lishi mumkin?» [3; 4; 6]; «Muomala (odobi)» («Sovg'a berish odobi») [3; 6; 7], «Muomala» [6; 7]; Tilni qanday o'rganish kerak? [3]; tasdiq va inkor gaplar tuzish va ularga e'tiroz bildirish (inkor ma'nosini bildiruvchi so'zlar



bilan javob berish; suhbatni etiroz ma'nosidagi gaplar bilan to'ldirish [5; 6]; savollarga lavob berish [5; 8].

Маълум машқ турининг бир синфдагина эмас, балки бир неча синфда бериб борилиши кераклиги бир синфда эгалланган кўникмалардан навбатдаги синфларда ҳам фойдаланиш тил ўрганиш усули сифатида ўқувчиларнинг усуллар бойлиги бўлиб қолади, улар таниш бўлгани учун осон бажарилганидан таълим самарадорлиги ортади. Бу нарса таълимдаги узвийлик, мунтазамлик, узлуксизлик каби тамойиллар талаби ҳамдир.

Кўринадики, «O'zbek tili» дарсликларида ўқувчиларнинг мустақил диалогик нутқини ўстиришга хизмат қиладиган маҳсулдор, ижодий машқлар ҳам, 3–4 дарслик доирасида учрайдиган машқ турлари бошқа турларига қараганда жуда кам тақдим этилган. Бу эса узлуксиз ўзбек тили таълими тизимида ёшларнинг диалогик шаклдаги нутқини самарали ўстириш имконини бермайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси. (Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Монография. – Ташкент: «Fan va texnologiya», 2012. – 212 б.
2. Толипова Р., Қодирова Ф., Икромовна Н. Исҳоқова М. «Ўзбек тили» Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 2-синфи учун дарслик. Т.: Ўқитувчи, 2001.
3. Толипова Р., Исҳоқова М. «Ўзбек тили». Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 3-синфи учун дарслик. 2-нашри. Т.: «Ўқитувчи», 2002.
4. Толипова Р., Убайдуллаева Н. «Ўзбек тили» Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 4-синфи учун дарслик, 2-нашри. –Т.: «Ўқитувчи», 2002.
5. Tolipova R., Yo'ldosheva H., Qosimxo'jayeva D. O'zbek tili: Ta'lim rus tilida olib boriladigan umumta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. To'ldirilgan, uchinchi nashri. – Toshkent: «Sharq», 2005.
6. Толипова Р., Йўлдошева Х., Умарова Ф., Шомирзаева М., Қосимхўжаева Д. «Ўзбек тили». Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 6-синфи учун дарслик. 2-нашри, Т.: «Ўқитувчи» 2002.



7. Толипова Р., Очилова М, «Ўзбек тили». Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 7-синфи учун дарслик. 2-нашри, Т.: «Ўзин-комцентр», 2003;

8. Tolipova R., Tursunova I., Ochilova M.. O'zbek tili.7-sinf uchun darslik. – T.: O'zbekiston, 2009.

9. Муҳиддинова Х, Юсупова М, Икромовна Н, Акромовна Г. «Ўзбек тили». Таълим рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 8-синфи учун дарслик. – Т.: «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006.

10. Рафиев А. Ўзбек тили. Таълим рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 9-синфи учун дарслик. 2-нашри. – Т.: «Ўқитувчи». NMIU. 2010;

11. Rafiyev A., Niyozmetova R., Dulabov F. O'zbek tili: Kasb-hunar kollejlarning rus guruhlar uchun o'quv qo'llanma. – Toshkent: «Ilm ziyo», 2006.



*Журналнинг ушбу сонини
тайёрлашда қатнашганлар:
Л.М.Қорахорова, С. Пирматов.*

*Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан
03.01.2007 йилда № 0101 тартиб рақами билан
рўйхатдан ўтган.*

*«Ўзлуксиз таълим» журнали Ўзбекистон Республикаси ОАК
раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан
педагогика ва психология фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.*

*Журналга 1,5 интервалда 7-8 бет ҳажмдаги материал
Times New Roman шрифтида электрон версияси билан бирга
қабул қилинади.*

*Босишга рухсат этилди: 15.01.2018 й. Қоғоз бичими 60x84^{1/16}.
Офсет босма усулида босилди. 8 босма табоқ.
Адади 434 нусха. Буюртма 49/8*

«ADAD PLYUS» МЧЖ матбаа корхонаси.
Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёткор кўчаси, 28-уй